

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Олтиариқ тумани Янгикўрғон МФЙ худудида яшовчи 1600 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Олтиариқ тумани Янгикўрғон МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 192 м³ ҳисобланиб, уланиш нуқтаси. Янгикўрғон МФЙ Ўзбекистон кўчаси худудига 1 дона тик ичимлик сув қудуғи қазил, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона янги ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш ҳамда қувур материали-полиэтилен бўлган диаметри Ø 76 мм.дан-110 мм.гача лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.


Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Олтиариқ туман бўлими Бош муҳандиси:

 Ф.Сатторов

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Олтиариқ туман бўлими ИЧБ муҳандиси:

 М.Махаммаджонов

